

Халқаро “Ипак ва зираворлар” туризм фестивали
“Silk and Spices” International Tourism Festival
Международный туристический фестиваль “Шелк и специи”



МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ
СБОРНИК СТАТЕЙ
CONFERENCE PROCEEDINGS

“Бухорода туристик эркин иқтисодий ҳудудни яратиш имкониятлари ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция. 27.05.2017, Бухоро шаҳри

The international scientific-practical conference "Opportunities of Creation and Perspectives of Development of the Free Tourism Economic Zone in Bukhara". 27.05.2017, Bukhara

Международная научно-практическая конференция на тему “Возможности создания и перспективы развития туристической свободной экономической зоны в Бухаре”. 27.05.2017, г. Бухара



OPPORTUNITIES AND ASPECTS OF E-TOURISM <i>Saidova F.K., lecturer</i>	639
<i>Temirova D., student, Bukhara State University</i>	
TURIZM MENEJMENTIDA MOTIVLASHTIRISHNI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI <i>Vafoyeva M.J., Buxoro davlat universiteti talabasi, Buxoro, O'zbekiston</i>	642
ТУРИЗМ СОҲАСИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ <i>Назаров Назиржон Нарзуллаевич, Навоий, Ўзбекистон</i>	645
TURIZM SOHASIDA INVESTITSION SIYOSATNI OLIV BORISH ZARURATI <i>Dilmonov Q.B., o'qituvchi, BuxDU, Buxoro, O'zbekiston</i>	648
“BUYUK IRAK YO'LI”NING BUXORO TURIZMIDA TUTGAN ANAMIYATI <i>O.K.Xurramov, Asadov Nosirjon, Buxoro davlat universiteti</i>	650
МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДА ТУРЛИ МИЛЛАТ ВА ЭЛАТЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ-ЭТНОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ОМИЛЛАРИ <i>Жўраева Н.О., БухДУ, Бухоро, Ўзбекистон</i>	652
O'ZBEKISTONDA TURIZMNI RIVOJLANTIRISH <i>Xamroyeva Roxat Utkirovna, Buxoro Davlat Tibbiyot Instituti</i>	654
BUKHARA AS AN INTERNATIONAL TOURIST HUB <i>Turdiyev Bexruz Sobirovich, Maxmudova Nigora Baratovna teachers of Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan</i>	656
THE NECESSITY OF LEARNING FOREIGN LANGUAGES IN THE DEVELOPMENT IN TOURISM <i>Niyazova Mokhichekhra Khayatovan, a teacher, Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan</i>	658
СЕМЬ ЧУДЕС БУХАРЫ <i>Ходжаева Р.Х., Камолов И.Н. Преподаватели академического лицаея № 4 при БухГУ, Узбекистан</i>	660
АРК ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАКДА <i>Равшанов Ў.Р., БухДУ магистранти, Бухоро, Ўзбекистон</i>	662
РАЗВИТИЕ СФЕРЫ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ <i>Таджиева С.У., к.э.н., доцент, Кадирова Н.А., преподаватель, Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан</i>	665
TURIZMNI RIVOJLANISHIDA AMALIY SAN'ATNING O'RNI <i>Авлиякулов М. М., Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси</i>	668
БИР КОСАНИНГ ҲИКМАТИ <i>А.Болтаев БухДУ доценти, Д.Холов, Бухоро давлат музей-қўриқхонаси таъмирловчи устаси</i>	672

на жизнь исключительно трудом. Сам Бахауддин владел несколькими профессиями, он был ткачом, гончаром и резчиком по металлу. Именно он стал примером для подражания для многих бродяг, которые следуя его примеру, стали зарабатывать себе на жизнь ремеслом.

В настоящее время здесь высится величественный мавзолей. До сих пор место захоронения святого суфия посещается тысячами паломниками. Ведь по преданию, если прикоснуться к мемориалу трижды, то посещение святого упокоения приравнивается к «хаджу» в Мекку.

Список литературы:

1. И. А. Каримов. «Бухара-жемчужина Востока». Речь Президента Узбекистана на 2500-летие Бухары.
2. М. Наршахий. «История Бухары». Ташкент.-1996.
3. С. С. Бухорий .«Семь пиров Бухары». Бухара.- 2005.

АРК ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАКДА

*Равшанов Ў.Р., БухДУ магистранти
Бухоро ш., Ўзбекистон*

*In article was written about making new buildings and touristic centers, scientific searching the old buildings of Ark mosque and Registon and reconstruction of them.
Key words: Prison, well, place of musition, arsenal, coronisation hall, hotel.*

Бухорода 400 дан ортиқ қадимшунослик, меъморчилик ёдгорлиги, шу жумладан 11 меъморий сарой ансамбли, 8 мақбара, 47 масжид, 14 қарвонсарой, 39 мадраса, 250 турар жой, давлат муҳофазаси остидаги 32 монументал санъат ёдгорликлари мавжуд. Бухоро шаҳрининг 339 гектар майдони муҳофазага олинган. Шундан 4 гектарга яқинини Арк қалъаси ташкил этади. Бухоро Арки ҳақида дастлабки маълумотларни Муҳаммад Жаъфар Наршахий (“Бухоро тарихи”), Садриддин Айний (“Тарихи амирони манғитияи Бухоро”, “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” ва “Эсдаликлар”), Носирхон Тўра (“Тадқиқоти Арки Бухоро”), Мусо Саиджонов (“Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари”), И.Ремпель ва бошқалар маълум даражада муҳим маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Бухоро меъморий ёдгорликлари орасида энг машҳур ва маълуми Арк қўрғонидир. Бухоро ҳисорининг илк тадқиқодчиси Ўрта Осиёнинг тўнғич тарихнавис олими Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий (899-959 машҳур “Бухоро тарихи” асарида) ҳисобланади.

“Бухоро тарихи” асарида ёзилишича, Эрон шоҳи Кайковуснинг ўғли Сиёвуш Афросиёбнинг кизига уйланади ва Бухорода ҳозирги Арк қўрғонини бунёд этади. Машҳур форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсий ўзининг машҳур ва маълум “Шоҳнома”сида Бухоро ҳисорини Сиёвуш қурганлиги, Сиёвуш ҳисорнинг ичкари деворларида турли базмлар ва жанг ҳолатлари тасвирланган суратлар чиздирганини айтиб ўтади. Кейинчалик араблар босқини арафасида Бухорода ҳукмдорлик қилган Бухорхудотлар сулоласидан

бўлган Туғшоданинг отаси Бидун подшо томонидан осмондаги етти қароқчи юлдузи (катта айиқ туркуми) шаклида етти тош устун устида Арк қалъа қўрғонини қурдирилганлиги айтилади. Айни шу даврда кўхандизда камокхона, девонхона, хазина, зардуштийлар ибодатхонаси – катта оловхона бўлган. Арабларнинг босқини натижасида Сиёвушдан қолган Аркнинг дастлабки, қадим маданиятимизни акс эттирган бинолари бузилган. Улар оташпарастлар ибодатхонаси ўрнига “девон ал-харж”ни, аввалги зиндон ва хазинахона ўрнида катта ислом масжидини бунёд этишган.

“Анжумани тарих” нинг фаол аъзоларидан бири бўлган Носирхон Тўра (Амир Музаффархоннинг ўғли) 1921-1922 йилларда ёзган “Тадқиқоти Арки Бухоро” (“Бухоро Арки ҳақида тадқиқот”) рисоласи XX аср бошларида Арк тарихига бағишланган биринчи махсус тадқиқот ҳисобланади.

Ушбу тадқиқотнинг асосий қисми компиляция (йиғма) бўлиб, турли манбалар асосида ёзилган. Китобнинг қимматли томони шундаки, Носирхон Тўранинг ўзи шахсан Аркда яшагани, кўпгина тарихий воқеа ва ходисаларнинг жонли гувоҳи бўлганлигидадир. Муаллиф, ўз китобида асосан Аркнинг XVII-XIX асрлардаги тарихини ёритишга ҳаракат қилган. Унинг айтишича, Аркдаги “ноғорахона”ни аштархонийлардан Амир Абдулазизхон (1645-1680), “тахт ўрнатилган жой”, “меҳмонхона”, ичкаридаги жоме масжидини Субҳонқулихон (1680-1702), Аркнинг шимоли-шарқий қисмида халифа Али авлодидан Абулғози (Баттолғози) мақбараси ёнида Чилдухтарон масжидини манғитлардан Муҳаммад Раҳимхон (1756-1758) даврида қурилган. Амир Шоҳмурод (1785-1800) эса Аркдаги кўпгина эски биноларни қайта таъмирлаб, тузаттиради. Ҳисордаги янги қурилишларни Амир Ҳайдар (1800-1825) давом эттириб, Аркдаги Раҳимхон меҳмонхонасини ғарбдан очиладиган қилади, ёнида катта хонақоҳ ва гулзор учун “чоҳ”, кудук ва сардоба қурдирди. Амир Насруллохон (1826-1860) Раҳимхон биноти қаршисида яна бир бино солиб, остида “тағхона”ни қурдиради. Амир Музаффархон (1860-1885) даврида европача кўринишдаги бинолар қуриш бошланади. Амир Абдулахадхон (1885-1910) даврида эса “қўрхона” ва “ғазабхона” қурилади. Мусо Саиджонов маълумотича амир Олимхон 1917-йилда Субҳонқулихон масжидини тамир қилган.

О.Д.Чехович ва А.К.Писарчик томонидан 1960-1963-йилларда М.С.Андреевнинг тўплаган архив ҳужжатлари асосида Арк тўғрисида жиддий тадқиқотлар олиб борилади ва 1972 йилда бу тадқиқотлар ўз самарасини бериб, “Арк Бухары” номли илмий китобни юзага келишига сабаб бўлади. Муаллифлар Аркда мавжуд бўлган бинолар, уларнинг ижтимоий вазифаси, қурилиш даври ҳақида атрофлича маълумот берадилар. Бугунги кунда қалъанинг 20% қисми сақланган бўлиб, бу асосан қалъанинг жануби-ғарбий ва қисман шимолий ҳудудидир.


1. Аркнинг жанубий ярми ва унга қирадиган бинолар - саломхона, саисхона, тахт ўрнатилган бинолар.

2. Аркнинг шимолий ярим қисми ва ундаги тўпчибоши ҳовлиси, хунармандлар бинолари, масжид, мозор, шахзодалар бинолари қайта тиклаб берилган ва китобга Аркнинг тикланган ҳолатдаги харитаси ҳам илова

қилинган. Бундан ташқари, қушбеги ҳовлиси, амирнинг кундалик турмуши, амирлик қўшинлари тўғрисида ҳам маълумотлар бор.

XX асрнинг 70-80 йилларида Арkning бир қисмида ўтказилган археологик изланишлар натижасида эрамиздан олдинги IV асрга оид пахсадан қурилган мудофаа иншоотлари қолдиқлари топилди (Г. Некрасова девор қалинлигини, А. Муҳаммаджонов маданий қатламни, И. Аҳроров бинолар фундаментини ўрганди). Мазкур қазилма ишлари Арkning шарқий қисмида кичикроқ ҳажмдаги майдонда ўтказилиб, қалъа девори шимол ва жануб йўналишида узунлиги 21м, кенглиги 3-6м ва чуқурлиги Арк саҳнидан ҳисоблаганда 18 метргача қазиб тадқиқ этилади. Айниқса, Арkning шарқий қисмида ҳалигача кенг қўламда археологик изланишлар олиб борилмаган. Қадимшунослар фикрига кўра, айти шу қазув ишлари Бухоронинг ёши ҳақида нисбатан реал маълумотлар тақдим этиб, Наршахийнинг X асрдаёқ Бухоро 3000 ёшда эканлиги ҳақидаги ривоятларга асосланган хабарини инкор қилиши ёки тасдиқлаши мумкин.

Шубҳасиз, Арк қадимий Бухоронинг рамзларидан бири бўлиб, ҳозирги даврда ўрганилиши лозим бўлган археологик объектлардан биридир. Ҳозирги даврда Арк маҳаллий ва хорижий сайёҳлар томонидан энг кўп ташриф буюриладиган мухташам меъморий ёдгорлик ҳисобланади. Бугунги кунда Арkning қалъа деворларидан тортиб, сақланиб қолган иморатларида кенг қўламдаги таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари олиб борилиб, археологик қисми ўрганилиши лозим. Бунинг учун албатта алоҳида-алоҳида эмас балки, кенг қўламли экспедиция ташкил этиш керак. Зеро бундай маҳобатли қадимий иншоотлар замонавий шаҳарлар ҳудудларида бармоқ билан санарлидир. Ҳозирги кунда биз бухоролик ёш тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири, Арки Олий ҳақида мукамал ва яхлит маълумот берувчи, хронологик жиҳатдан унинг пайдо бўлиш давридан то ҳозирги кунгача бўлган маълумотларни қамраб олувчи тарихий тадқиқот яратишдан иборат. Бу Бухоро фарзандларининг она шаҳри тарихига бўлган тарихий ҳурмати ва эҳтироми ҳисобланажак.



М.С. Андреев ва О.Д. Чеховичларнинг «Арк Бухары» китобидан.

2017-2027 йилларда музейлар фаолиятини такомиллаштириш дастури доирасида янги музей бинисини ва сайёҳлик марказини ташкил этишда мазкур ўриннинг тарихий шақилланишини инобатга олиш керак. Қуйида ушбу қурилиши мўлжалланаётган янги музейнинг тарихий ўрни келтирилган.

Бухоронинг халқаро туризм марказларидан бири эканлигини ҳисобга олганда, ундаги обидаларни ўрганиш, сақлаш ва таъмирлаш, молиявий жиҳатдан улардан сайёҳлар маркази сифатида фойдаланиш учун маблағлар ажратилишини мамлакат иктисодиёти учун инвестиция деб ҳисоблаш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Бухоро давлат бадиий – меъморчилик музей – кўрикхонаси. Т.: 2004. 224 б.

2. Саиджонов М. Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари. / Маориф ва ўқитувчи. 1927, № 9 -10. – Б. 54 – 58.

3. Бартольд В. Бухара. Ее памятники и их судьба. / правда Востока. 1925, № 130. – С. 26 – 29.

РАЗВИТИЕ СФЕРЫ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ

Таджиева С.У., к.э.н., доцент, sayora2002@mail.ru

Кадирова Н.А., преподаватель, nzkd117@mail.com

Бухарский государственный университет, г.Бухара, Узбекистан

Abstract. There was given a description of service as economic category. Role of the service sector was considered. The course of implementation of the Program of development of a services sector for 2012-2016 in Uzbekistan is analyzed.

Keywords: service, specifics of a services sector, GDP, diversification of a services sector.

Сфера услуг в последние годы становится одной из самых перспективных отраслей экономики. Сегодня как развитые, так и развивающиеся страны ставят перед собой задачу – ускорить развитие сферы услуг для воздействия на экономический рост.

Услуга – это экономическая деятельность, которая направлена на удовлетворение личных потребностей членов общества или потребностей общества в целом, потребностей предприятий, домохозяйств, организаций и не воплощенная в материально-вещественной форме.

Рынок услуг не похож на другие рынки. Услуги имеют специфические различия:

- неосязаемость;
- невидимость;
- неразрывность производства и потребления;
- неоднородность и изменчивость качества;
- неспособность услуг к хранению.

Благодаря таким свойствам, как неосязаемость и невидимость большинства услуг, торговлю ими называют невидимым экспортом или импортом.